

Ҳаёсизлик жафодир | Сийрат дарслари (361-дарс)



19:00 / 08 январь 680

831. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳассонга масжидда минбар қўйиб берар эдилар. У унда тик турганича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан фахрланар ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Модомики Ҳассон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилар ёки у зот билан фахрланар экан, Аллоҳ албатта уни Рухул Қудус (Жаброил) ёрдамида қўллади»**, дер эдилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

832. Рубаййиъ бинт Муъаввиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тўйим бўлган куни келиб, худди сен ўтирганга ўхшаб тўшагимга ўтирдилар. Шунда қизчалар чилдирма чалиб, Бадр куни қатл бўлган оталарим ҳақида хиргойи қилишди. Улардан бири: «Орамизда эртага нима бўлишини биладиган Набий бор», деди. Шунда у зот: **«Бун қўй, аввал айтаётганингни айт»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

833. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Қиёмат куни ҳар бир вафосиз учун алоҳида байроқ тикилади ва «Мана бу Фалон ибн Фалоннинг вафосизлиги» дейилади»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

834. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биродарига ҳаё борасида танбеҳ бераётган ансорлардан бир кишининг олдидан ўтиб қолдилар ва: **«Уни ўз ҳолига қўй! Албатта, ҳаё иймондандир»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

835. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳаё иймондандир, иймон (соҳиби) жаннатдадир. Ҳаёсизлик жафодир, жафо (эгаси) дўзахдадир»,** дедилар».

Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.